

АЛИ ОКБОВИ

**КЎЗИМДАГИ  
СУЗЛАР**



Али ОҚБОШ

КЎЗИМДАГИ  
СЎЗЛАР

*Шеърлар*

Туркчадан Тохир ҚАҲҚОР таржималари

«ТАФАККУР» нашриёти  
ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 821.512.133 (5А)

КБК: 76.298.1

А-58

**Али Оқбош**

Кўзимдаги сўзлар / Али Оқбош – Т.: «Tafakkur» нашриёти, 2014. 104 б.

УЎК:821.512.133 (5А)

КБК: 76.298.1

Али Оқбош замондош турк шеърятининг забардаст вакиллари-дан биридир. Унинг шеърларида ўз халқининг, ватанининг ҳаёти ва руҳи теран, дардли, туйғули мисраларда самимий акс эттирилган. Шоир ижодида қардош туркий халқлар мавзуси ҳам алоҳида ўрин тутуди, унинг шеърларини ўқиркансиз, на фақат Туркиянинг, балки бутун туркий оламнинг гўзал ўлкалари, шонли тарихи, бой маданияти ва маънавияти, улф шахсларининг дардкаш қалби, курашчан ва ҳаётсевар руҳи билан ҳам танишасиз.

Шоирнинг ўзбек тилида нашр этилаётган бу китобига унинг сўнгги йилларда яратилган "Кўчаётган турналар" "Сентябр таронаси", "Авлиёлар даргоҳида" тўпламларидан таржима қилинган шеърлар киритилди.

**Таржимон: Тоҳир ҚАХҲОР**

ISBN 978-9943-24-130-5

© Али Оқбош 2014

© Тоҳир Қаҳҳор 2014

© «Tafakkur» нашриёти 2014

## ЎЧМАС ЧЎҒ

Кузда турналарнинг кўчиши табиий бир ҳодиса. Бу бир мавсумнинг тугаши. Уларнинг ортдаги қадрдон ҳаётни тарк этиб кетишида санчиқли бир ҳазинлик, туганмас бир дард бор. Шоир бу манзарани чизаркан, турналардай кўзга узоқ-яқин бўлган замондошларини ўйлайди, уларнинг қиёфасини, руҳини, кўнглининг нафраларию инглоғларини жонлантиришига интилади.

Али Оқбош ҳам барча ҳақиқий шоирлар каби ўз юртининг ошиғи, она табиатини, миллатини, маданиятини, шонли тарихини, даврининг фидокор инсонларини севади ва шеърларида уларни тараннум этади. Унинг шеърларини ўқиркан, китобхон Туркиянинг бугуни ва ўтмишидан хабардор бўлиши билан бирга, у ўлка инсонларининг тафаккури ва руҳи билан ҳам танишади.

Шоир ижодида қардош туркий халқлар мавзуси алоҳида ўрин тутишини таъкидлашимиз лозим. Унинг озарбайжон, татар, қозоқ, ўзбек, туркман, қирғиз, ёқут-саха ўлкаларининг гўзал табиати, улуғ ва фидокор инсонлари ҳақида битган шеърлари самимий, теран фикру мушоҳадаларга, туйғули манзараларга бой. Шоир бундай шеърларини баъзилардай китоблардан таъсирланиб эмас, балки ўша юртларни кезиб, табиатидан, маданиятидан, тарихидан, халқнинг ҳаётидан илҳомланиб, тўлқинланиб ёзган. Масалан, Ўзбекистонни кезаркан, "Орол", "Чўлпон" каби ўтмиш ва бугуннинг муҳим мавзуларини туташтирувчи шеърларини битган. Озарбайжоннинг шимолини, жанубини сайр этаркан, "Кўккўл", "Шаҳриёр" мавзусидаги ватан ва миллат тақдирини акс эттирган шеърлари яралган. Қозон татарлари ва ёқут қардошлар ватанини кўрганидан кейин эса, "Тўқай" шеъри, "Уйинский" достони дафтарга тушган. Шимолий Қибрисда ва буюк Фузулийни етиштирган Бағдоду Каркукдаги китобхонлар билан учрашувлардан кейин, уларнинг фикру туйғуларига ҳамоҳанг "Бағдод ўт ичида", "Каркук", "Бир туркман", "Фузулий" каби шеърлар қаламга олинган. "Қутлуғ тош" шеъри ўқувчини Ўрхун-Енисей ёдгорликлари, туркийларнинг қадимги



ёзувлари ва умуммаданиятлари тимсолига айланган муқаддас маконларга етаклайди. "Синди қаламим" шеъри турк дунёсининг буюк адиби Чингиз Айтматов сиймосини гавдалантирса, "Бизнинг қўшиқлар", "Армуғон", "Сарданкечди" каби шеърлар замондош турк санъатчиларини, атоқли ва жасур ижодкорларини шеърхонларга танитади. "Қозоқ чўлларида" шеърини ўқирканмиз, Туркистоннинг қадимий кенгликлари кўнглимизни янада кенгайтирганини ҳис этамиз.

Қисқаси, Али Оқбош шеърлари китобхон кўз ўнгида туркий халқлар яшаётган гўзал ва шонли юртларнинг харитасини, уларнинг шухратли инсонлари, ибратли шахслари сиймосини жонлантиради, шеърхоннинг завқу шуурини орттиради, руҳлантиради. Бу, албатта, асарнинг бадиий-эстетик қимматини билдириши баробарида, шоирнинг маҳоратини, ўзига хослигини ҳам англади.

Шу ўринда Али Оқбошнинг ўзига хос яна бир хислатини айтиб ўтиш жоиз. У шеърининг барча йўналишида қалам тебратди; жумладан, шеърларининг ярми бармоқда ва ярми сарбастда битилган; ғазаллари, туюқлари ҳам бор. Баъзи тўпламларидаги шеърлар тиниш белгиларсиз берилади, бу ҳол шеърхонни ўйлашга, шеърга қаттиқроқ боғланишга ундайди. Гоҳо бармоқни сарбаст билан аралаштириб, гоҳо бир шеърнинг ўзиде етти, саккиз, ўн бир бўғинли сатрларни ёндош тизаркан, бу билан эски тартибларни бузган тарзда, зерикарли бирзайллиликдан қочиб, янгича оҳанглار тузмоққа интилади. Биз бу китобдаги "Сентябр таронаси" бўлимида шоирнинг ана шунга ўхшаш ўзига хосликларини сақлашга интилдик.

Али Оқбош — таниқли турк шоири. У 1942 йилда Қаҳрамонмараш вилоятидаги Албистон туманида туғилган; қишлоқ мактабини битиргач, Истанбул университетининг адабиёт факультетида таълим олган, кўп йиллар маориф ва матбуот соҳасида ишлаган, Анқарадаги Ғозий университетида дарс берган.

У ўтган асрнинг саксонинчи йилларидаёқ болаларга ёзган шеърлари билан танилган. Шоирнинг "Эртак замони", "Қуш дастурхони", "Кўкда ой пўртахолдир" каби шеърини тўпламлари турк болалар адабиётида алоҳида қимматга эгадир. "Қуш дастурхони" тўплами Македўнияда (2000) Мария Леонтич,

Ўзбекистонда (2013) Миразиз Аъзам таржимасида босилди. Рамиз Аскар озарбайжончага ўгирган "Танланган шеърлар"и 2011 йилда Бокуда нашр бўлди. Учинчи Турк дунёси адабий журналлар қурултойи тарафидан "Турк дунёсида йилнинг энг яхши ижодкори" дея эълон қилинган, шеърлари ўнларча туркий эллар матбуотида қардошларимизга танитилди. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам бир неча шеърый туркумлари "Жаҳон адабиёти", "Тулистон" журналлари ва қатор газеталаримизда шеърхонларимизга тақдим этилди.

Али Оқбош айни пайтда Овруосиё Ёзувчилари уюшмасида раис ўринбосари ва "Қардош қаламлар" журналининг бош муҳаррири сифатида ишламоқда, туркий дунё адабиётининг, жумладан, ўзбек адабиётининг ҳам Туркияда ва жаҳонга танитилишида хизматини давом эттирмоқда.

Ҳар бир одам дунёни ўз кўнгли, онги, феълига кўра баҳолайди. Али Оқбош "Ҳаёт" сарлавҳали шеърда "оқимга қариши сузмоқдир ҳаёт" дейди. Зотан куним ўтса бўлди дея кўз юмиб, ҳар нега кўниб яшашни ҳар касу нокас эплайди; бундай турмушни, муҳитни шоир "кир кўлча" деб билади ва "кир кўлчада шапкам ҳам сузар" дейди. Шеър якунида эса, элу юртни талаб ўғри ҳам яшайверади, "бирор кимга қора чапламай яшаб ўтмоқ ҳаёт дейилади" маъносидаги ниҳоятда инсонпарвар фикрни билдиради. Бу қарашга эга лирик қаҳрамон моддий ва маънавий нафсларини тия олган, бағри кенг шахсиятдир. Шоир шеърияти ана шу бағрикенглик булоғидан сув ичганлиги, ўқувчини бу руҳ билан руҳлантириши билан ҳам ажралиб туради.

Етмиш ёшдан ошган, дунё дарди билан тўлиб-тошган шоир бир шеърда, умримнинг сўнгида сигарам ёниқ қолади, мен ўтаману у дамларда унинг чўғи ўчмайди, менинг нафасим тўхтайдую унинг тутуни нафас каби бурам-бурам таралаверади, деган фикрни айтади. Менимча, шоирнинг ҳар бир яхши шеъри унинг чўғи ўчмас сигарасидир, унинг мўъжазгина чўғида, ожизу ингичка таралгувчи оқиш тутунида бир олам мўъжиза бор. Шоир Али Оқбош шеърятининг чўғи ўчмасдир.

Тоҳир ҚАҲҲОР

# КЎЧАЁТГАН ТУРНАЛАР



## ШЕЪРИМ

Шеърим, сен қонаган эски ярамсан,  
Кўксимда ташийман, кўрган гул дейдир.  
Марсиям, фарёдим, ўтли наърамсан,  
Узоқдан туйганлар, бир булбул, дейдир.

Чекимга сўз тушмиш базми аластда,  
Вафосиз бир ёрга бўлдим дилбаста,  
Ҳамон ўрганурмен бу тор қафасда,  
Дардимни айтмасмен, ёт: у — қул, дейдир.



## ЭРТАК

Мовий, туманли кўрфазда  
Ухлар овул, олар ором.  
Кумуш сувли сойда қизлар  
Шолча ювар, ювар гилам.

Қўшиқларин, товушларин  
Акс садоси тоғдан келар.  
Қизлар уч қулоч сочларин  
Сув — кўзгуда тарар, кулар.

Оқ сувдек оқбилак қизлар,  
Кунда қорайган юзингиз,  
Қўнгил ёзинг бир оз сизлар,  
Йўқми ёзингиз, кузингиз?..

Ҳей, шу тепадан кечмангиз,  
Сой лойқадир, сув ичмангиз,  
Гўзалликдан бож оларлар,  
Гулдек юзни ҳеч очмангиз!

Болаликда мен сузган сой,  
Ўсмирлигим ўтган яйлоқ,  
Тушларимга кирманг асло,  
Қийнаманглар мени мундоқ!

Бир идишдан ичдик чойинг,  
Бир лагандан едик ошинг,  
Оҳ, қишлоғим, ота уйим,  
Сувинг замзам, олтин тошинг!

Оқсоч чолдай тоғ тин олар.  
Чўққилар қор, ола-була.  
Далалар қирда жойнамоз,  
Тошчўп исли кенг далалар.

Ана, уйим, ҳув нарилар...  
Мадад беринг, эй парилар!  
Танимайдир ёшлар мени,  
Ўлган эмиш бор қарилар...

Зайнаб, Алиф, Сўна, Гулчин,  
Кўйлагингиз бичим-бичим,  
Бир куни ҳашарга келинг,  
Мен ғариб-ла бир чой ичинг!

Унутманглар мени лекин,  
Ошиққа не узоқ-яқин,  
Йўқотдим-ку қишлоқ йўлин,  
Тепаларга гулхан ёқинг!

Сўрманг ҳеч, қаерда қолдим,  
Ҳар йил бир диёрда қолдим,  
Бир дев тузоғига тушдим,  
Кушдай қафасларда қолдим...

Бузурман шу эски уйни,  
Сиқар мени шу тўрт девор,  
Нечун мен куйлаган куйни  
Етказмаслар ёрга довур?!

Кушлар ўтар қатор-қатор,  
Қўшилиб мен ҳам кетайин.  
Қанот бермаса турналар,  
Қўлимни қанот этайин.

Чамлибелни босганда қор,  
Тоғда улур оч бўрилар,  
Булутлар гоҳ бир куш бўлар,  
Малак бўлар, гоҳ ҳурилар.

Чарчаган кичик шаҳзода  
Йиқилмиш отдан майдонда,  
Келмайдир кимса имдода,  
Бойкуш сайрайдир айвонда.

Бувим ўтди,  
Эртақ битди,  
Тилидан бол томарди, бол.  
Хуш қол, арслон болалигим,  
Мен қайтмасман энди, хуш қол!..



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/3461> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/3461> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3461>